

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни мамлакатимизда бўлиб турган Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг етакчи араб жамғармалари делегациясига бошчилик қилаётган Ислом тараққиёт банки президенти Бандар Ҳажарни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ислом тараққиёт банки билан мамлакатимизда устувор ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда кўп йиллик шериклик қарор топангани катта мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ИТБ гуруҳи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги доирасида юртимизга 1,9 миллиард долларлик имтиёзли кредит маблағлари жалб этилган бўлиб, улар иқтисодиётнинг турли тармоқларига оид лойиҳаларни ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳалар йўл-транспорт, энергетика ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши, ичимлик суви билан таъминлаш тизимини, соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш каби соҳаларни қамраб олган.

Сўхбат чоғида ушбу банк билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш истикболлари қўриб чиқилди.

Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш, инфратузилмани модернизация қилиш, мамлакатимиз ҳудудларидаги

тиббийёт ва таълим муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини, жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқариш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳамкорлик учун улкан салоҳият, энг муҳими, уни янада мустаҳкамлашга ўзаро интилиш мавжудлиги таъкидланди. Қуни кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «ИТБ гуруҳи куни» доирасида Ўзбекистон Республикаси ва



Ислом тараққиёт банки ўртасида 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган 1,3 миллиард долларлик шериклик стратегияси имзолангани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом тараққиёт банки раҳбарига Ҳажон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш мақсадида Самарқандда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятига кўрсатилган кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Бандар Ҳажар, ўз навбатида,

Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки гуруҳи учун минтақадаги асосий шериклардан бири эканини таъкидлади.

Меҳмон Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли янгиланишларга юксак баҳо бериб, ИТБ мамлакатимиздаги ислохотларга ҳар томонлама кўмакни кенгайтириш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканини қайд этди.

Ў.А.

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ ТИЗИМИДА: СТРАТЕГИК ИСТИҚБОЛЛАР ВА ФОЙДАЛАНИЛМАГАН ИМКОНияТЛАР» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция иштирокчилари ва меҳмонлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё минтақасининг транспорт масалаларига бағишланган халқаро форумда иштирок этаётган сиз азиялнинг барчангини Ўзбекистон заминидан чин дилдан қўлашга ижозат бергайсиз.

Бугунги конференцияда иштирок этаётгани учун меҳмонларимиз — халқаро ташкилотлар, молиявий тузилмалар, дипломатик миссиялар раҳбарларига самимий миннатдорлик билдираман.

Авалло, Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг умумий сайё-ҳаракатлари билан қисқа муддатда минтақамизда ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган янги сиёсий ҳаёт шаклланишини қайд этишни истардим. Барча даражадаги муноқотлар фаоллашди, амалий, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида муҳим тарихий қадамлар ташланди. Шу йил 15 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бунинг ёрқин далилидир.

2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича махсус резолюция қабул қилингани минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берадиган тарихий воқеа бўлди.

Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ҳамкорликка самимий интилиши ва умумий келажақ учун масъулиятни ҳис этиши минтақамизнинг барқарор тараққиёти ва фаровонлигининг мустаҳкам қароратидир.

Савдо-иқтисодий, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик янги суръатлар билан ривожланмоқда. Сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалаларида ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга эришилди. Транспорт соҳасидаги турли чеклов ва тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Минтақа мамлакатлари ўртасида виза ва божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилди, қўшимча ўтказиш пунктлари очилди, автомобиль, темир йўл

ва ҳаво транспорти қатновлари тикланди ва бу борада ўнлаб янги йўналишлар йўлга қўйилди.

Аммо ҳаётнинг ўзи бундай чора-тадбирлар етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Энг йирик халқаро бозорларни ўзаро боғлаб турган Марказий Осиёнинг муҳим геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, минтақамизнинг халқаро транспорт йўлаклари тизимига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсадида мамлакатларимиз сайё-ҳаракатларини бирлаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган минтақа давлатларининг транспорт-транзит харажатлари сезиларли даражада катта бўлиб, улар экспорт қилинаётган маҳсулот қийматининг 70 — 80 фоизгача етмоқда.

Божхона тартиб-таомилларининг мукаммал эмаслиги оқибатида юк ташувчилар товарларни етказиб беришга кетадиган вақтнинг 40 фоизгача бўлган қисмини беҳуда йўқотмоқда. Ҳажон банкнинг логистика соҳасидаги самарадорлик индексида кўра, Марказий Осиё мамлакатлари 167 давлат орасида қуйи ўринларни эгаллаб келмоқда. Буларнинг барчаси бутун минтақа транспорт сектори рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Шу муносабат билан Тошкентда ўтаётган конференция Марказий Осиёда янги интеграция жараёнларини бошлаш нуктаи назаридан муҳим роль ўйнаши мумкин.

Мамлакатларимиз олдида транзит салоҳиятини янада ривожлантириш ва миллий иқтисодиётлар таркибида транспорт соҳаси улушини ошириш вазифаси турибди. Транспорт инфратузилмасига замонавий технологиялар ва ҳорижий инвестицияларни жалб этиш, янги истикболли транспорт йўлақларини шакллантириш мазкур вазифани амалий жиҳатдан ҳал этишга ёрдам беради.

БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатларининг кооперация алоқаларини самарали йўлга қўйиш натижасида минтақа ялпи ички маҳсулоти ўн йилда камда икки баробар қўлайиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, биз Ашхобод битими доирасида Россия — Қозғоғистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Ўмон — Ҳиндистон субминтақавий транспорт йўлақини шакллантиришни бошладик.

Биз Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши тез ғўрсатда бошланишига катта умид билдираимиз. Истикболда бу йўл «Шарқ — Ғарб» лойиҳаси доирасида Хитойдан бошланадиган, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган, кейинчалик янги барпо этилган Боку — Тбилиси — Карс темир йўл магистрали орқали Жанубий ва Шарқий Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ўрта ер денгизи портларига олиб чиқадиغان янги транспорт йўлақининг муҳим бўғини бўлиб қолади.

Минтақавий йўлақларни ривожлантириш ҳақида сўз борганда, ушбу жараёнга Афғонистонни жалб этиш муҳим эканини қайд этмасдан ўтолмаймиз. Қуриб бтказилган Ҳайратон — Мозори Шариф темир йўли ва лойиҳалаштирилаётган Мозори Шариф — Ҳирот магистрали «Шимол — Жануб» лойиҳаси доирасида Эрон, Покистон ва Ҳиндистон темир йўлларига ҳамда Чоҳбаҳор ва Гвадар портларига олиб чиқадиغان янги транспорт йўлақини шакллантириш имконини беради.

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Минтақамиз мамлакатларини халқаро, жумладан, денгиз орқали юк ташвиш тизимига интеграция қилиш хусусида сўз юритар эканмиз, айни вақтда ушбу ижобий жараёнга қатор омиллар тўсиқ бўлаётганини қайд этиш лозим.

Бу, аввало, Марказий Осиёда транспорт қатновини ривожлантириш, тўсиқларни бартараф этиш, минтақа давлатларининг виза, транзит ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, тариф сиёсатини уйғунлаштириш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, истикболли транспорт йўлақларини шакллантириш бўйича ягона қараш ва ёндашувлар мавжуд эмаслиги билан боғлиқ.

Шу муносабат билан қуйидагиларни тақлиф этамиз:

Биринчидан, Ҳажон банки, Осиё ва Ислом тараққиёт банклари, бошқа халқаро институтлар экспертлари ёрдамида

Марказий Осиёнинг минтақавий транспорт йўлақларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу асосда Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий дастур қабул қилиш зарур, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, минтақа мамлакатлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида муҳим роль ўйнашини ҳисобга олиб, ушбу ташкилот доирасида транспортда юк ташвиш жараёёнларини интеграциялаштирган ҳолда бошқариш тизимини яратиш лозим.

Учинчидан, транспорт-логистика соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал этишда ташаббуслаштирувчи тузилма бўладиган Марказий Осиё мамлакатлари транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенгаши шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, минтақанинг туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида транспорт коммуникациялари ва инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш зарур. Ҳажон туризм ташкилоти билан биргаликда Марказий Осиёда туризм хабларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш айни шу мақсадга хизмат қилган бўлар эди.

Умид қиламанки, анжуманда маъқулланадиган ана шу ва бошқа ташаббусларни амалга ошириш Марказий Осиёда барқарорлиқни таъминлашда, уни иқтисодий ривожланган минтақага айлантиришда, энг муҳим халқаро транспорт-транзит марказларидан бири сифатида минтақамизнинг Ҳажон транспорт хизматлари бозоридаги рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бугунги конференция натижалари минтақамизни халқаро транспорт йўлақлари тизимига интеграция қилишга доир янги ёндашув ва устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, Марказий Осиёнинг ишга солинмаган улкан салоҳиятини мамлакатларимиз ва халқларимизнинг умумий манфаатлари йўлида сафарбар этишда фойдали бўлишига ишонаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил 5 март куни давлатимиз раҳбарининг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Фармонга мувофиқ, илгариги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиб, вазифа ва ваколатлари кенгайтирилди.

Спортчиларни танлаб олиш — селекция ишларини такомиллаштириш бўйича янги тизим жорий этилиб, бу ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Август-сентябрь ойларида Индонезияда ўтказилган Осиё ўйинларида спортчиларимиз 21 олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза — жами 70 та медални қўлга киритди. Мамлакатимиз олтин медаллар сони бўйича 5-ўринни эгаллагани ўзбек спорти тарихида энг яхши натижа бўлди.

— Биз халқаро спорт майдонларида Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чекланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истикболдаги муҳим вазифалар белғилиб берилди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЖИНОЙИТ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармонида мувофиқ, шунингдек, республиканинг молиявий тизимини янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг умумқабул қилинган халқаро нормалар ва андозаларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичини ўтказиш режасига мувофиқ 2019-2020 йилларда **Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган;**

(Давоми 2-бетда).



Марказий Осиё: ЖАҲОН БОЗОРЛАРИНИ ЎЗАРО БОҒЛОВЧИ МУҲИМ МИНТАҚА

Тошкент шаҳрида “Марказий Осиё халқаро транспорт йўлақлари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар” мавзусида халқаро конференция бошланди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг муҳим давлатларидан бири саналади. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ташаббус ва ғоялар боис қўшни давлатлар билан муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда. Бунга охириги пайларда савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг тобора кенг қулоқ ёзаётгани яққол мисол бўла олади. Бинобарин, транспорт-коммуникация соҳасида илк бор мана шундай йирик халқаро анжуманинг ташкил этилгани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЖИНОЙ ҲАҲАЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичи муваффақиятли ўтиши ва Жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чикувчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда ҲАТҲ деб юригилади) тавсиялари ижросини таъминлаш мақсадида жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи вазирилик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг **Жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия**ни (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловаға мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

4. Қўйдағилар Комиссиянинг асосий вазиғалари этиб белгилансин:

жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни баҳолаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, шунингдек, унинг асосида жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини янада ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга оид тақлиғлар ишлаб чиқиш ва чоралар қўриш;

жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини тақомиллаштириш бўйича тақлиғлар ишлаб чиқиш;

ҲАТҲ тавсияларидаги талабларни ва жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилишни таъминлаш;

жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақлил қилиш, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарлиқлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан тақлиғлар ишлаб чиқиш.

5. Жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия тўғрисидаги низои 2-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қўйдағилар зиммасига жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолашни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун шахсий жавабгарлик юклансин:

а) Ўзбекистон Республикаси **Марказий банки** раисининг ўринбосари **Ш. Х. Атабаевга** — тижорат банклари ва кредит ташкилотлари, шунингдек, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар хавфлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси **молия вазирининг ўринбосари В. Ю. Пакка** — лизинг хизматларини ва лотереялар ташкил этишни амалга оширувчи ташкилотлар, аудиторлик ташкилотлари, суғурталовчилар ва суғурта воситачилари хавфлари бўйича;

в) Ўзбекистон Республикаси **Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси** раисининг ўринбосари **Ж. Б. Юнусовга** — биржа ва риэлторлик ташкилотлари хавфлари бўйича;

г) Ўзбекистон Республикаси **адлия вазирининг ўринбосари А. Ж. Ташкуловга** — нотариал идоралар, адвокатлик тузилмалари, нодавлат нотариот ташкилотлари хавфлари бўйича;

д) Ўзбекистон Республикаси **ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари Б. А. Олматовга** — почта алоқаси оператори ва провайдерлари хавфлари бўйича;

е) Ўзбекистон Республикаси **Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг ўринбосари Ф. М. Каримовга** — қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари хавфлари бўйича.

7. Департамент бошлиғи вазиғасини бажарувчи —

Комиссия раиси ўринбосари Д. Ф. Рахимов жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавфларни миллий даражада баҳолаш юзасидан умумлаштирилган ҳисоботни тайёрлаш учун масъул этиб белгилансин.

8. Департамент манғаатдор вазирилик ва идоралар билан бирғалиқда:

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, жиноий ғаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ғаолиятига жалб қилинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини қўрсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзғартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлиғлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хафсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 20 сентябрь	

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИҒАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Аҳоли, айникса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турлари билан шуғуллантириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларидаги спорт объектиларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этилмагани қўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, жойларда бўш турган хусусий объектлар неғизида аҳолини оммавий спортга жалб қилиш учун имтиёзли хизмат қўрсатувчи спорт марказларини ташкил этиш талаб этилади.

Шу боис Жисмоний тарбия ва спорт вазирилиғи Ёшлар иттиғоқи, тегишли вазириликлар билан бирғалиқда таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари ҳамда бўш турган объектларда спорт секцияларини очиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни қўриши зарурилиғи таъкидланди.

Туман, шаҳар, вилоят ва республика микёсида спорт муСОБАқалари сонини кескин қўпайтириш, ёғлиб ва совриндорларни Ёшлар иттиғоқи маблағлари ҳисобидан пулиқ муқофотлар билан рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли, айникса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш учун “Алпомиш” ва “Баричной” тестларини мусобақа тарзида ўтказишни ҳамда ёғлибларни уч даражадаги қўқрак нишонлари билан тақдирлашни жорий қилиш вазиғаси қўйилди.

Корхоналар, таълим муассасалари, истироҳат ёғларида оммавий бадантарбия ва гимнастика машғулотларини ўтказиш эътибордан четда қўлиб кетгани қайд этилди. Бундай машқларнинг инсон саломатлиғи учун фойдалилигини тарғиб қилиш мақсадида доимий қўрсатув ва ижтимоий ролиқлар тайёрлаб, телевидение орқали намойиш этиш лозимлиғи таъкидланди.

— Мамлакатимизда спортни оммалаштириш бўйича беш йиллик миллий концепция ишлаб чиқиш зарур. Аҳолини жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш, соғлом турмуш кеңиришга жалб этиш, шу орқали касалликларнинг олдини олиш, одамларнинг умрини узайтириш концепциянинг асосий йўналиши ва натиғаси бўлиши керак, — деди Президент.

Йиғилишда федерацияларнинг иши сустиғи сабабли от спорти, сузиш, қиличбозлик, ўқ отиш ва жамоавий спорт турлари бўйича халқаро мусобақаларда яхши натиғаларга эришилмаётгани танқид қилинди. Шу боис

Марказий Осиё:

ЖАҲОН БОЗОРЛАРИНИ ЎЗАРО БОҒЛОВЧИ МУҲИМ МИНТАҚА



Мазкур тадбирнинг минтақа ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қанчалиқ муҳим аҳамиятга эга эканлигини унда иштирок этиш истагини билдирганлар қўплиғидан аңғлаш мумкин. Ушбу йўналиш тармоқлари раҳбарлари, мутахассисларини жалб қилган форумга турли вазириликлар, идоралар, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа манғаатдор тузилмаларнинг вакиллари ташириқ буюрди. Қатнашчилар орасида Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Хитой, Латвия, Люксембург, Молдова, Покистон, Польша, Россия, Сингапур, Афғонистон, АҚШ, Беларусь Республикаси, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Грузия, Туркия, Япония каби давлатлардан 300 дан зиёд меҳмонлар бор.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқаро конференция иштирокчиларига қутлов йўллади.

Уни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ўқиб эшиттирди.

Халқаро конференциянинг очилиш маросимида таъкидланганидек, қисқа вақт ичида минтақа давлатлари орасида ўзаро сиёсий мулоқотлар янги босқичга қўтарилди. Барча йўналишда алоқалар ғаолашлади. Айникса, транспорт ташувларида турли тўсиқлар, божхона ва виза тизимларидаги чекловлар олиб ташланаётгани, қўшимча ўтиш пунктлари очилмаётгани тарихий ва муҳим воқеага айланмоқда.

БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ижрочи котиби Хон Чжу Хам, Ислам тараққиёт банки президенти Бандар Хажар ҳамда Осиё тараққиёт банки вице-президенти Венцай Жанг шу каби ўзгаришлар ўзаро алоқаларни, хусусан, транспорт коммуникацияси, логистика тизимларидан

самарали фойдаланишда янги имкониятларни юзага чиқаришга хизмат қилишини алоҳида қайд этди.

Шундан сўнг нуфузли анжуман иштирокчилари тўртта секцияга бўлинган ҳолда, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари транспорт-транзит салоҳияти йўналишларида халқаро стандартларга жавоб берувчи, минтақа давлатлари ўртасида транспорт соҳасини комплекс ривожлантириш, халқаро транспорт коммуникациясига интеграциялашув жараёнини таъминлаш, шартномавий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш сингари масалаларда фикр алмашиб, истиқболли лойиғаларни муҳокама қилишди. Шу маънода, мазкур тадбир ўзаро ишончга асосланган муносабатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, янги ташаббус ва лойиғаларни илгари суришга хизмат қилди, десак, муболага бўлмайди.

Сўнгги икки йил ичида жаҳон микёсида автотранспорт воситасида юкларни ташвиш ҳажми 50,8 фоиздан 70,6 фоизга ошган. Шундан келиб чиққан ҳолда, транспорт-транзит автомобиль йўлларида сақмалари фойдаланиш хар қандай мамлакат учун қатта даромад манбаидир.

Қўшни давлатлар билан ҳамкорликда янги автомобиль йўллари қуриш, у орқали хориж давлатларига йўл очиш, айна пайтда, автомобиль йўлларини бирғалиқда таъмирлаб, фойдаланиш каби ишлар ҳақида келишиб олинган. Бунинг натиғасида юкларни автотранзит йўллари орқали ташвиш ҳамда транзит ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, ўтган йили ташкил этилган Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой халқаро транспорт коридорини алоҳида келтириш зарур. Тошкентдан йўлга чиққан автомобиллар қарвони Андижондан қўшни давлат чегарасигача, сўнг Ўш ва Ирқиштом орқали Қошғаргача етиб борди. Умумий узунлиғи 900 километр бўлган мазкур йўлдан халқаро аҳамиятдаги юклар ташилляпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 та халқаро транспорт йўлаги ҳамда ушбу йўналишлардаги автомобиль йўллари таъмирлаш, қайта қуриш ва фойдаланиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Мамлакатимиз бу борадаги 11 халқаро конвенция аъзоси ҳисобланади. 29 давлат билан соғага теғишли шартномаларга имзо чекилган.

Маълумотларга қўра, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг умумий узунлиғи 22 минг километрге тенг. Шунинг 18 фоиз юртимиз ҳудудидан ўтади. Эътиборлиси, сўнгги пайтларда тизимда минтақа манғаатларига дахлдор бир қатор лойиғалар рўёбга чиқарилмоқда. 2016 йилда Ангрөн — Поп темир йўли очилгани, 2017 йил-

да эса Тошкент — Олмаота йўналиши бўйлаб тезорар поездлар ҳаракати йўлга қўйилгани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, ўтган йили Амударё орқали ўтадиган Туркманобод — Фороб янги темир йўл ва автомобиль йўлининг очилиши юк ташвиш ҳажминини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Жорий йилининг март ойида Ғалаба — Амузанг — Хошади темир йўл линиясининг ишга ту-

дерлари хизмати, ҳаво кемаларига техник хизмат қўрсатиш, ҳаво кенлигини муқобиллаштириш, мутахассисларни тайёрлаш, соҳада ахборот технологияларини қўллаш каби масалаларни муҳокама қилишди.

Пировардида 2018 — 2025 йилларда йўловчиларга хизмат қўрсатиш учун халқаро стандартларни жорий этиш, “Навоий” халқаро интермодаль логистика марказида юк ташувларни ривожлантириш, Марказий Осиё мамлакатлари авиация субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ва бошқа масалалар тўғрисида Декларация, шунингдек, Халқаро ҳаво транспортни уюшмаси билан тадбирлар режаси имзоланди.

Шубҳасиз, мазкур халқаро конференция транспорт-транзит инфратузилмасини ривожлантириш, ҳуқуқий ва техник масалалар бўйича давлат ҳамда хусусий сектор вакиллари мулоқоти, инвесторлар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун муҳим майдон бўлди.

Халқаро конференцияда Марказий Осиё минтақасида транспорт соҳасини ривожлантиришга доир бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Анжуман иштирокчилари бугун Самарқанд шаҳрида бўлди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Сўз — конференция иштирокчиларига

берилиб, бир қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Олег БЕЛОЗЁРОВ,
МДҲга аъзо мамлакатлар Темир йўл транспортни кенгаши раиси — “Россия темир йўллари” очик акциядорлик жамияти бош директори:
— Халқаро транспорт йўлакларининг муҳим масалаларига бағишланган Тошкент конференцияси долзарблиғи билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан темир йўл соҳасида манғаатли алоқаларни мустаҳкамлаш учун янги мулоқот майдонига асос солинди.

Ўзбекистон иқтисодиётида темир йўл тармоғининг аҳамияти беқёёс. Унинг инфратузилмаси йил сайин тақомиллаштирилиб, юк ва йўловчи ташвишдаги ҳиссаси ортмоқда.

Мазкур йирик халқаро анжуман арафасида бу ерда ШХТҲ аъзо мамлакатлар темир йўл маъмурияти раҳбарларининг илк учрашуви ташкил этилгани ҳам диққатга

сазовор. Конференция эса бу борадаги имкониятларни ва истиқболли лойиғаларни яна бир бор муҳокама қилиш учун қулай шароит яратди.

Жамшидбек КАЛИЛОВ,
МДҲ Ҳукуматлараро йўлсозлар кенгаши раиси:

— Транспорт-коммуникация тармоғининг ривож иқтисодий, географик ва стратегик аҳамиятга эга. Марказий Осиё минтақаси учун дунёнинг йирик денгиз ва океанларига тўғридан-тўғри чиқиш имконсиз. Шунга қарамасдан, ўзининг ҳудудий жойлашувиға қўра, транспорт-транзит салоҳияти юқори.

Мавжуд инфратузилмаларни сақлаш, янги йўлакларни очиш эса қўшимча юк ташвиш ҳажминини оширишда қўл келадди. Шу боис соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш ва тахрибасини ошириш зарур. Халқаро логистика марказларини ҳамда қуруқлик портларини яратиш, хар ҳил тўсиқларни олиб ташлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тақомиллаштирилиши, тариф сиёсатининг

қайта қўриб чиқилиши минтақа транспорт-логистикаси самарадорлиғини таъминлайди.

Эришилган ютуқларга қарамасдан, қилинадиган ишлар ҳали қўп. Юк ва йўловчи ташвишда ҳафсизлик масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Рағаэль ШВАРЦМАН,
Халқаро ҳаво транспортни уюшмаси (IATA) бош директори:

— Марказий Осиё ўзига ҳос минтақа ҳисобланади. Ўзбекистон эса минтақа давлатлари ўртасидаги манғаатли алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Бунга мазкур халқаро тадбир ҳам аққол мисол бўла олади.

Тадбир транспорт-логистика тизимининг барча йўналиши ишларини белгилаб олиш, мавжуд имкониятларни муҳокама этиш учун қатта қўлайлик яратди. Ҳаво транспортни хусусида фикр юритадиган бўлсак, “Навоий” халқаро логистика ҳаббининг Еуроёё минтақаси учун авиаташувлардаги ўрнини алоҳида таъкидлашни истардим.

КОДЕКС ВА
ҚОНУНГА
ЎЗГАРТИШ
КИРИТИЛАДИ

“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунга асосан, соҳилбўйи минтақалари муҳофаза этиладиган ландшафтлар турига киради. Бундай ҳудудлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси юзасидан таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда мазкур соҳада қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари кўпаймоқда. Айниқса, сув объекларининг ифлосланиши, булғаниши, туپроқ эрозияси натижасида сәъзланиши, шунингдек, қулай сув режимини сақлаб туриш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сони ошяпти.

Мазкур ҳужжатнинг 41-моддасига асосан, соҳилбўйи минтақаларида сув ҳўжалиги объектларини қуришдан ташқари, ҳар қандай турдаги қурилиш тақиқланган. Лекин жойларда бу талаб бажарилмаяпти. Соҳилбўйи минтақаларида аҳоли томонидан ноқонуний тарзда яшаш учун мўлжалланган бинолар ва умумий овқатланиш объектлари ҳамда бошқа қурилишлар қилинмоқда.

Масалан, фақат Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи 128 та канал ва сугориш тармоқларининг узунлиги 412,5 километрни ташкил этади. Аниқланишича, қирғоқ бўйи минтақаларда жойлашган 1300 дан ортиқ объект ва қурилмалар “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуннинг талабларини бузган ҳолда жойлаштирилган.

Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Учтепа туманлари ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўзсув канали қирғоқ минтақаси айрим жойларда ўзбошимчалик билан ўраб олинган, 180 дан ортиқ объект ва иншоотлар, шу жумладан, турарқой бинолари, молхона, умумий овқатланиш ва савдо объектлари қурилган. Анти-санитария шароитлари кузатилмоқда. Буларнинг барчаси сув объектларини чўкиндилардан тозалаш учун мўлжалланган техникаларнинг қирлиши ва ишлашига ҳамда қулай сув режими таъминланишига тўқсинлик қилмоқда.

Қирғоқ бўйида ўзбошимчалик билан қурилган объект ва иншоотлардан дарё, сой ўзанларига майиш ҳамда бошқа чўкиндилар, шу жумладан, оқова сувлар ташланмоқда. Бунинг оқибатида, инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга ҳавф туғилаяпти.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳолатлар, асосан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганилик учун маъмурий жазо чораларининг етарли эмаслиги ва

самараси пастлиги билан боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 82-моддасига жарима миқдорини оширишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилди.

Олий Мажлис юқори палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳузуридаги ишчи гуруҳининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувида оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик қўнайитирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги қонун муҳокамаси бўйича ййигилиши ана шу маззуга бағишланди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, хусусан, ичимлик сувида оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Кодекснинг сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантирганилик, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режими бузганилик, шунингдек, санот, рўзгор чикиндилари ва бошқа чикиндиларни ташилиш, жойлаштириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўйиб ташлаш чоғида табии муҳофаза қилиш талабларини бузганилик учун чоралар қўнайитирилиши назарда тутувчи қўшимчалар киритилаяпти.

Қонун юзасидан ишчи гуруҳ аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мунисхон КАРИМОВА.

ҲАМКОРЛИКНИ
МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА
ЯНГИ ҚАДАМ

Ўзбекистон Бош прокуратураси делегацияси Душанбеда МДХга аъзо давлатлар бош прокурорлари 28-мувофиқлаштирувчи кенгашида катнашди. Анжуман доирасида икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилди. Шу кунни ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорлари 16-ййигилиши ҳам ташкил этилди.



Форум арафасида унда иштирок этиш учун келган МДХ ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг бош прокурорлари Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди. Мулоқотда илқ фикрлар билдирилди ва ўзаро музокаралар давомида прокурорлар мамлакатлар ҳамда халқлар манфаатлари йўлидаги амалий шериклики ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлашди.

Тадбир минтақалардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг инсон ҳуқуқлари, ҳавфсизлик ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлигини ривожлантиришида муҳим ўрин тутди. Бунинда Озарбайжон, Арманистон, Беларусъ, Козогистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон бош прокуратуралари делегациялари, Кенгаш қотибияти, МДХ Ижроия қўмитаси, МДХ аксилтеррор маркази ва Халқаро прокурорлар ассоциацияси вакиллари катнашгани, кун тартибидан 2017 йилдаги Ҳамкорлик дастурлари ихроси каби 17 та долзарб

масала жой олганлигидан ҳам билиш мумкин.

Республикаимиз ушбу тузилмага атиги 2 йил аввал аъзо бўлган бўлсада, ўтган қисқа вақт ичида унинг тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокчисига айланди. Мамлакатимиз Бош прокурори ўз чиқишида 2017-2018 йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси асосида тизим такомиллаштирилиб, прокуратура органларининг мамлакатда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлардаги роли қўнайитирилгани ҳамда улар фаолиятида мутлақо янги йўналишлар буй кўрсатаётганини қайд этди. Булар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ихроси устидан назорат ўрналиш кабиларидир. Ҳар бир йўналиш бўйича бошқармалар ташкил этилди. Янги иш бошлаган Мажбурий

ижро бюроси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Аграрсаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминлаиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолияти тобора самарали тус олмақда.

Амалий тажриба ҳамда татбиқ қилинган услублар ҳақидаги тақдимотдан сўнг Мувофиқлаштирувчи кенгаш ўтказган ўрганишлар чоғида тўпланган таҳлилий маълумот нашр этилиши, унда прокуратура органлари фаолиятига оид масалалар юзасидан тавсиялар берилиши билдирилди.

Муҳокамалар якунида МДХга аъзо давлатлар бош прокурорларининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Делегациямиз қатор давлатлар вакиллари, шу жумладан, россиялик ҳамкасблари билан учрашув ўтказди. Унда икки мамлакат раҳбарларининг дўстлик ва ўзаро хурматга асосланган қўп қиррали шериклиги, давлатлараро алоқалар тобора мустаҳкамланиши баробарида, ҳуқуқ-тартибот органлари тузилмаларининг алоқаларини қўнайитириши ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани айтилди. Биргина Россияда вақтинчалик меҳнат фаолиятини юритиш учун Ўзбекистон фуқароларини жалб этишни ташкиллаштириш ва ишга ёллаш бўйича имзоланган қелишув орқали у ерда меҳнат қилаётган юрдошларимиз ҳуқуқлари таъминланди. Айни чоғда патент олиш тартиби енгил-

лаштирилди, суғурталаш тартиби ишлаб чиқилди, қисқаса, ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳамкорлиги қўчайди. Учрашувда бу борадаги алоқаларни мустаҳкамлашга доир 2019-2020 йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик дастури имзоланди.

Ўзбекистон делегацияси ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорлари 16-ййигилишида катнашди. Унда халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш масаласи қўрилди. Зеро, минтақада ҳавфсизлик ва барқарорлики таъминлаш ҳануз долзарблигича қолмоқда. Радикализм ва экстремизмни тағтотири билан йўқотишининг ягона йўли ўзаро ҳамкорликдир. Шундан келиб чиқиб, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича аниқ чоралар белгилаб олинди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон доимо жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш позициясини илгари суради. Аҳир инсон маънан қўли бўлса, уни ҳеч қандай ёт гоғлар ва бузғунчи қўчлар йўлдан адаштира олмайди. Учрашув давомида Ўзбекистон томонидан мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам тақдимот ўтказилди. Тошкентдаги Ислон цивилизацияси маркази ҳамда Самарқанддаги Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан диний адабиётлар чўқур ўрганилаётгани ва ёшларга ислом динининг асл моҳияти ҳамда фалсафаси кенг тушунтирилаётгани эътироф этилди.

ШХТга аъзо давлатлар бош прокурорлари 16-ййигилиши қарори қабул қилинди.

Инсонпарварлик ва кечиримлилик —
халқимизга хос фазилат

Инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқларини олий қадрият, деб тан олиш ҳамда унга амал қилинишига эришиш инсонпарварлик сифёсининг рўёби, демократиянинг ҳақиқий белгисидир. Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган ислохот ва янгиланишларнинг пойдевори ҳам аслида умуминсоний ҳамда конституциявий принципларнинг амалда таъминланаётгани билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мустаҳкамланиб бормоқда.

Депутат фикри

Шу йил 19 сентябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб қириб қолган ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Бу ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб қириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилимининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини беради.

Бугунги кунда тушуниб-тушунамсдан, қўп ҳолатларда алданиб ёки етарли даражада дунёвий ва диний илмга эга бўлмагани оқибатида қўр-

Фармони билан тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб қириб қолган Ўзбекистон Республикасининг аҳолида фуқароларининг муҳофаза қилиниши қўриб қилиш бўйича Республика идораларо комиссияси тузилиши билан юқорида қайд этилган саволларга жавоб топилди.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади. Ҳўш, хорижда юрган, қўпуровчилик ёки экстремистик ташкилотларга аъзо бўлган фуқароларнинг ҳаммаси ҳам жиноий жазодан озод этиладими?

Йўқ, албатта. Бунинг ҳам ўзига яраша талаблари бор. Хусусан, фуқаронинг муҳожаати Комиссия томонидан қўриб қилишиб, шахс қилимининг чин қўнгилдан пушаймон бўлса, тузалиш йўлига ўтиб, жиноий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилимишларни фош этишда ҳалол ёрдам берса, уни тақиқланган ташкилотлар сафига аловд йўли билан жалб этилгани исботланса, тақиқланган ташкилотларнинг қўғовий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса, жанговар ҳаракатларда ва қўпуровчилик ақтларини содир этишда қатнашмаган, террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган ҳамда

халқаро террорчиликни молиялаштиришда иштирок этмаган бўлса, Комиссия ҳулосасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Муҳожаат этган шахсга нисбатан Комиссия томонидан салбий ҳулоса чиқарилган тақдирда эса барча ҳолат қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда қўриб қилилади.

Қонунни бузган, бироқ ўз қилимининг ҳуқуққа хилофлигини англаган ва тузалиш йўлига ўтганини қатъиятлик билан намоеъ этган шахсларга жамият ҳамда ўз оиласи даврасига қайтиш имконини берилиши ўзбек халқининг кечиримлилик, раҳмдиллик ва бағрикенглик каби азалий қадриятларининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Умуман айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда, жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг оиласи бағрига ва жамиятга қайтиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлиш имкони яратилди. Бу билан халқимиз ўзининг нақадар бағрикенглиги, кечиримлигини яна бир бор исбот этди.


Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Ҳиндистонликлар билан ўтказилган икки томонлама учрашувда ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасидаги ҳамкорликини кенгайтириш ниҳоятда зарурлиги айтилди. Негаки, бугунги кунда тиббий туризм йўналишида қўллаб-қўрдошларимиз мазкур мамлакатга ўз саломатлигини мустаҳкамлаш учун бормоқда. Шунга мос равишда ҳиндистонликлар ҳам юртимизга келаётир. Шундай экан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасидаги ҳамкорликини қўнайитириш замон талабидир. Мулоқотда инвесторларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашда ахборот алмашинувини олиб бориш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқот фаолиятини йўлга қўйиш ва бошқа масалалар юзасидан қелишувлар имзолашга доир тақлифлар ишлаб қилинди.

2017 йилда Ўзбекистон ва Беларусъ прокуратура идоралари ўртасида 2 йиллик ўзаро ҳамкорлик қелишув имзоланган эди. Унинг доирасида тажриба ва ахборот алмашинуви доимий равишда олиб борилаётган бўлса-да, икки мамлакат раҳбарлари давлатлараро, шу жумладан, ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида ҳамкорликини ривожлантиришни янги босқичга қўтаришни мақсад қилгани бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришни ва жадаллаштиришни тақозо этади. Шу боис ўзаро мулоқот давомида ҳамкорликини ривожлантиришга оид масалалар алоқаларга қўрилди.

Душанбе форуми минтақадаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ўртасида ўзаро ҳамкорликини янги босқичга қўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.



Банкоматлар
қачон етарли
бўлади?

Банк хизматларининг оммабоплигини оширишда чакана хизматларнинг роли, айниқса, катта. Чунки улар миқјозлар учун жуда қулай бўлиб, вақтини тежаш баробарида, турли оворагарчиликларнинг олдини олади.

Шу боис кейинги пайтда мазкур турдаги хизматларни такомиллаштиришга жиҳдий эътибор қаратилиб, жойларда банкоматлар, инфокиосклар ўрнатилмоқда. Бироқ бундай замонавий қурилмалар чекка ҳудудларни ҳам қамраб оляптими?

Маълумотларга қараганда, айни пайтда республикаимиз аҳолисининг ҳар 46 минг нафарига битта банкомат тўғри келади. Бу борадаги аҳвол қачон ахшилланиб?

Тошкент шаҳрида “Агробанк” АТБ томонидан чакана хизматларни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу кўрсаткич жуда паст. Мисол учун, ён қўшнимиз ҳисобланган Қозогистонда ҳар икки минг аҳолига битта банкомат орқали хизмат кўрсатилмоқда. Россия, АҚШ ва бошқа давлатларда эса банкоматлар тармоғи бундан-да ривожланган.

Ўрганишларимиз натижасида ҳозирги пайтда республикаимизнинг 2051 аҳоли гавжум нуқтасида банкоматга эҳтиёж борлиги аниқланди, — дейди банк бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Рустам Маматқулов. — Шунинг учун жорий йилнинг ноябригача 300 та замонавий банкомат олиб келиб ўрнатилади. Келгуси йилда эса яна 2 мингта банкомат келтирилиши режалаштирилган. Бу қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, улар орқали нафақат сўм, балки валюта ҳам ечиб олинади. Бугунги кунда эса банкимиз томонидан жойлаштирилган терминаллар 31,6 мингта, банкоматлар 100, инфокиосклар эса 420 тага етказилди.

Анжуманда банк томонидан яқин кунларда жорий этиладиган яна бир янгилик — жисмоний шахслар учун мўлжалланган онлайн кредит бўйича маълумотлар берилди. Унинг қулайлиги шундаки, бундай кредит олмоқчи бўлган одамлар банкка ташриф буюриши, ҳужжатлар тақдим этиши шарт эмас. Телефон орқали муҳожаат қилса, қифоя.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ.

ЕРЛАР ЭЛЕКТРОН АУКЦИОН
ОРҚАЛИ СОТИЛМОҚДА



Ййигилишда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда бизнес вакилларининг ҳиссаси алоҳида эътироф этилди. Айни вақтда тадбиркорлик раванқаига тўқсинлик қилаётган муаммоларга тўхталиб ўтилди. Таъкидланганидек, улар, асосан, уч гуруҳга тоифаланди. Ишбилармонларга ер ажратиш, уларнинг кредит маблағлари олишда бюрократик тўсиқлар ҳанузгача тўлиқ бартараф қилинмаган. Шунингдек, коммуникация масалаларини ҳал этишда ҳам сунъий равишда келиб чиқаётган муаммолар бор.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 сентябрдаги “Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ишбилармонларга катта имтиёз ва қулайлиқлар яратиб берилаётгани, эндиликда уларнинг муаммолари зудлик билан ҳал қилинаётгани, бундай янгича ёндашув эса, ўз навбатида, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши қайд этилди.

Мазкур қарор билан ташкил қилинган Ҳудудларда тадбиркорликини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси ёрдами билан вилоятда бўш ётган биноларни аниқлаш, коррупция ҳолатларига барҳам бериш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Паркент туманининг ўзида икки кун ичида 19 та бўш бино аниқланди. Айни пайтда улар электрон аукционга қўйилди. Эндиликда вилоятда ерлар

ва бўш ётган бинолар фақат электрон аукцион орқали сотилади.

— Бўғ яратиш учун 9 ойдан буюн ер олиш ҳаракатида эдим, — дейди Тошкент туманилик тадбиркор Шамсиддин Исмолов. — Қирмаган идора, тақиллатмаган эшигим қолмади. Электрон аукцион орқали эса ўшбу масала зудлик билан ҳал қилинди.

Вилоят бўйича 7,5 мингдан ортиқ фойдаланилмай турган бўш объектлар бор. Уларнинг 1,5 мингтаси сентябрь ойининг ўзида аниқланди. Барча объект электрон савдога қўйилган.

Тадбиркор янгиликлардан доимо бохабар бўлиши, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини яқши тушуниши зарур. Бунинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, бу борада ишбилармонларга яқиндан қўмак бериш мақсадида вилоятда консалтинг фирмаси иш бошлади. Ишбилармонларнинг яқин ёрдамчисига айланадиган бу тузилма гоғларни асослашда, ишлаб чиқаришни режалаштиришда ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатади.

Сессияда мутасаддилар оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига жавоб бердилар. Қатор муаммолар шу ернинг ўзида ечим топди.

Ййигилиш инновацион гоғлар тақдими, сайёҳлар учун мўлжалланган инновацион дегустация марказининг иш бошлаши ва узум сайли билан ўз ишини яқунлади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инновация марказлари очилди

Инновацион ривожланиш вазири масъул ходимлари давлатимиз раҳбари жорий йил 5 майда имзолаган “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшима чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарордан келиб чиқиб, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида ўқув-семинарлар ташкил этди.

Тадбирларда таъкидланганидек, Мухаммад ал-Хоразий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиалида, Андижон шаҳридаги Инновацион технологияларни жорий этиш маркази неғизида, Наманган шаҳридаги Наманган инновация марказида янгида Инновация маркази ташкил қилинди. Шунингдек, Андижон тумани

Қарор ва ижро

нида тадбиркор Д. Султоновга қарашли “Bio flora ilmiy ishlab chiqarish” жамияти биносиди. Марҳамат туманида “Инновацион полигон” учун ажратилган бир гектар майдонда шундай марказ фаолиятини йўлга қўйишга қелишиб олинди.

3-5 октябрь

Тошкент ш.,
«Ўзэкспомарказ» МКК.

ONLINE
РЎЙХАТДАН
ЎТИНГ

www.plastex.uz

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!

РЕКЛАМА

МАВСУМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

Азиз фермерлар, миришкор деҳқонлар!

Йил давомида пахта етиштириш бўйича қилган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз ҳисобига далаларимизда мўл ҳосил яратилди. Бугун пахтазорларга боқар эканмиз, ғўза майдонларининг яшил тусдан оқликка бурканиб, ғўеки товланиб, ўз жозибаси билан ҳаммамизни далага чорлаётганига гувоҳ бўламиз. Президентимизнинг "Пахта хом ашёси ва бошқоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чорат-дбирлари тўғрисида"ги қарори сиз, миришкор фермерларнинг ишга бўлган муносабатингизни тубдан ўзгартирди. Хусусан, пахта харид нархлари ўтган йиллардагига нисбатан қарийб икки баробар оширилиши, ушбу маҳсулотларни етиштирувчи фермер хўжалиқларининг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари олдидаги қарзларини тўлаш мuddати ҳисобланган пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилгани ҳолда, 3 йил мuddатга узайтирилиши иқтисодий манфаатдорлиқни янада юксалтиради.

Давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга беқийс ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга юксак эътибори қалбимизга олам-олам қувонч бағишлаши билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклашини унутмаслигимиз лозим!

Сизу бизнинг вазифамиз эса ана шу тигиз мавсумда бутун меҳримизни даламизга бериб, ҳар бир чанокдаги пахтани нест-нобуд қилмасдан териб олишдир. Бунинг учун куйидагиларга жиддий эътибор қаратиш зарур: **биринчидан**, яратилган ҳосилни увол қилмасдан, ёгин-сочинли қурларга қолдир-

масдан териб олиш олиш учун уюшқоқлик билан барча ишчиларингизни пахта терими-га тўлиқ сафарбар қилинг;

иккинчидан, теримчилар ва ҳашарчиларга далада пахта териши учун барча шарт-шароитни яратиб бering;

учинчидан, теримчиларнинг пахтани тоза ҳамда бир чанок қилмасдан теришига эътибор қаратиб, бунинг натижасида ҳосилдор-ликни 5 — 7 центнерга оширишга эришинг;

тўртинчидан, 18 ёшга тўлмаган ёшларни теримга жалб қилманг, мажбурий меҳнатга йўл қўйманг;

бешинчидан, теримчиларнинг терим пули ўз вақтида берилишини ташкил этинг.

Ҳиммати баланд миришкор фермерлар!

Зиммамизга олган мажбуриятни бажаришимиз шарт эканини доимо ёдда сақланг. Хирмонга тўкиладиган ҳар мисқол пахта ушбу эзгу мақсад йўлида ташланган муҳим қадам-дир.

Бу йил шартномадан ортиқча топширган ҳар бир килограмм пахта учун қўшимча 15 фoиз устама ҳақ олишингизни унутманг! 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг пахта-си, Ўзбек диёрида тўлиқ қайта ишланиши давлатимиз иқтисодиётида, халқимиз фаровон-лигида қанчалик ўрин тутишини юракдан ҳис этайлик. Зеро, шу муқаддас заминда туғилиб, ўзини шу юрт фуқароси деб билгувчи ҳар бир инсон давлати, халқи, уни не-не умидлар билан тарбиялаб, вояга етказган жамият олдидаги фарзандлик бурчини адо этиши керак.

Ҳурматли юртдошлар!

18 ёшга тўлганмисиз? Вақтинча ишсизми-сиз? Ёки асосий иш вақтингиздан ташқари бўш вақтингиз борми? Унда қўшимча даромад олиш учун аини фурсатни қўлдан бой берманг. Бугун минглаб кўнгилли фуқаро-ларимиз каби сиз ҳам пахта йиғим-теримида қатнашиш учун ўзингиз истиқомат қилаётган ҳудуддаги Бандликка қўмаклашиш марказла-

ри ҳамда туман фермер, деҳқон хўжалиқла-ри кенгашига мурожаат қилиб, ташкил этилган отрядларга қўшилиш!

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида қатнашиш истагидаги юртдошларимизнинг сони соат сайин кўпаймоқда. Сиз ҳам улар сафида бўлинг.

Қадрли юртдошлар!

Президентимиз ташаббусига кўра, бу йил теримчилар билан пахта майдонининг ўзида кунлик ёки ҳар беш кунлик ҳисоб-китоб қили-ниши дала меҳнаткашлари учун яратиб берилган қўлайликлардан биридир.

Пахта хом ашёсининг кўлда терилган бир килограмми учун биринчи босқич — контра-кция шартномаси мажбурияти 60 фoизгача бажарилгунга қадар 650 сўм, иккинчи босқич — 60 фoиздан 80 фoизгача 850 сўм, учинчи босқич — 80 фoиздан ортганда 1000 сўмдан ҳақ тўланади. Бу борада Вазирлар Маҳқама-сининг яқинда қабул қилинган тегишли қаро-рида аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Теримга жалб қилинадиган сиздек ҳашарчилар учун шийпонлар ва ётоқхоналар ҳозирланиб, уларда зарур шарт-шароитлар яратилди. Чунки бу йил бир кунлик ҳашарчи-ларни далама-дала олиб бориб келишга йўл қўйилмайди. Улар белгиланган ётоқхоналар-да ётиб, теримда иштирок этадилар.

Жорий йилги пахта йиғим-терим мавсуми-да янги тизим яратилди. Уюлмаган, вақтин-ча банд бўлмаган ва ўз хоҳиши билан пахта теришга чоғланган, меҳнатга лаёқатли маҳалладош ва қишлоқдошларимизнинг 80 — 100 нафарини бирлаштириб, отряд шаклида теримни ташкил этган фаол фуқа-ролар меҳнати муносиб рағбатлантирилади.

Жорий йилги отрядларни шакллантириш тизими ҳам мавсумни муваффақиятли тугал-лаш имкониятини беради, деган умиддамиз.

Мавсум давомида туман Бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан 80 тонна пахта терган

отряд раҳбарларига 1 мил-лион сўмдан, 80 тоннадан ошган ҳар бир тоннасига 50 минг сўмдан меҳнат ҳақи тўланиб, туман фермер, деҳқон хўжалиқла-ри ва томорқа ер эгалари кенгаши ўртасидаги шарт-нома асосида вақтинча бандлиги таъминланади.

Отряд раҳбарларини танлашда фидойи, тажрибали, қишлоқ хўжалиги соҳасини яхши тушунадиган, виждонли ҳамда ортидан одамларни эргаштира оладиган фаол фуқаролар таркибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Азиз нуронийлар, фахрийлар, маҳалла фаоллари!

Халқимизда кексаларни ҳурмат қилиш, ўғитларига амал қилиш, улар бошлаган ишни давом эттириш қон-қонимизга сингиб, миллий кадриятга айланган. Шундай экан, бугун сизларнинг ҳар бир ҳаракатингиз, қимматли маслаҳатингиз, дуоларингиз, ташаббускорли-гингиз бизга куч-қувват бағишлайди. Чунки ўзбек халқи азалдан меҳр-оқибатлиги, меҳнаткашлиги, бунёдкорлиги, ориятли ва фидойилиги билан танилган.

Етиштирилган пахтани қисқа мuddатларда йиғиштириб олишдек масъулиятли мавсумда билагида кучи, белида қуввати бор, вақтинча ишсиз ҳар бир фуқаро фаол қатнашишини тарғиб қиламиз.

Азиз маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари!

Юртбошимиз қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилишга, уларнинг обрў-эътибори ҳамда нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қарат-

моқда. Мамлакатимизда 2018 йилнинг ўзида 200 дан зиёд қишлоқлар "Обод қишлоқ" дастурига киритилган, уларнинг обод ва кўркам қиёфа касб этиши учун қанча маблағ зарур бўлса, давлатимиз томонидан шунча ажратилмоқда.

Юртбошимизнинг ғамхўрлигига жавобан, сизлар меҳнатга лаёқатли маҳалла аҳлининг теримда уюшқоқлигини таъминлашда алоҳида жонбозлик кўрсатишингизга ишонамиз.

Қишлоқда фермерлар мулкчиликнинг янги шакли сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаётир. Бугун улар билан ҳамнафас, ҳамқадам деҳқончиликка бош-қош бўлишингизнинг аҳамияти жуда каттадир.

Ушбу мурожаатноманинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришда сизнинг бой ҳаётий тажриба ва ташкилотчилик қобили-ятингиз борлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам сизлар ана шу салоҳиятингизни ишга солиб, ўзгарувчан об-ҳаво шароити-да теримчиларни, айниқса, ихтиёрий теримчиларни йиғим-теримга жалб этишда барчамизга ҳамкор, ҳамфикр ва елкадош бўласиз, деган умиддамиз.

Қадрли юртдошлар!

Пахта йиғим-терими мавсумида шундай ишчан ва кўтаринки кайфият уйғота олайликки, токи ҳар бир юртдошимиз астойдил, чин дилдан жонбозлик кўрсат-син. Пахтакор фермерлар зиммасидаги юкни кўтаришга камарбаста бўлиш, улар-нинг машаққатли меҳнати эвазига яратил-ган муҳим саноат хом ашёсини сифатли йиғиштириб олиш орқали деҳқоннинг зафаридан фахрланиш, гурурланиш ҳисси юрагингизда жўш урсин!

Барчангизни мавсумда фаол иштирок этиб, иқтисодиётимизни юксалтириш, она юртимизнинг янада кўркам ва ободлиги учун муносиб ҳисса қўиш, пахта йиғим-теримида жасорат кўрсатишга даъват этамиз!

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ.

ЭЪЛОНЛАР

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

турли хил товарларни сотиб олиш учун танлов савдоларини эълон қилади.

- Савдо предмети:
 - кийим-кечаклар;
 - дори препаратлари ҳамда тиббиётда фойдаланиладиган маҳсулотлар;
 - тиббиёт аппаратураси ва жиҳозлари;
 - компьютер техникаси ва жиҳозлари, оргтехника, кўп функцияли мослама, компьютер ҳамда оргтехника учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар;
 - аккумулятор батареялари;
 - автомобиль шиналари;
 - автомобиль ва махсус техника учун эҳтиёт қисмлар;
 - парк-гараж жиҳозлари;
 - наشريёт жиҳозлари;
 - китоб ва бланк маҳсулотлари;
 - телекоммуникацион жиҳозлар ва алоқа воситалари;
 - кабель-ўтказгич маҳсулотлар.

Танлов савдоларида танлов шартларини бажарадиган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотларни керакли ҳажмда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари қатнашиши мумкин.

- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эҳтиёжи учун харидни амалга ошириш бўйича доимий фаолият юритадиган ишчи комиссия манзили:

Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Университет кўчаси, 1-уй.
Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети чорраҳаси.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 269-88-51, 269-87-79, 269-87-51, 269-88-69, 269-87-55.
Факслар: (0-371) 269-87-21, 260-39-96.
Электрон почта: mudofaa@cron.uz

- Етказиб бериш шартлари — Тошкент шаҳридаги омборга, хорижий етказиб берувчилар учун — СІР-Тошкент.

- Етказиб бериш мuddати — шартнома бўйича, аммо 2018 йил 20 декабрдан кечиктирмай.

- Тўлов шартлари: 15 фoизи олдиндан тўлов, қолган 85 фoизи тўлиқ етказиб берилганидан сўнг.

- Тижорат таклифлари яқшанбадан ташқари ҳар куни куйидаги манзилда қабул қилинади:
Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Университет кўчаси, 1-уй.
Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети чорраҳаси.
Факслар: (0-371) 269-87-21, 260-39-96. Электрон почта: mudofaa@cron.uz
Тижорат таклифда унинг амал қилиш мuddати, етказиб бериш кафолати, тўлов ва етказиб бериш шартлари (алоқа учун телефонлар, ташкилотнинг юридик манзили) кўрсатилиши лозим.

- Ташкилотлар тижорат таклифи билан бирга куйидаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:
 - ташкилотнинг ҳолати ҳақида (ташкilot қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаганини тўғрисида);
 - ташкилот ташкил этилган сана;
 - бюортмачи билан суд ёки ҳақамлик суди муҳокамасида иши кўриб чиқилмаётганлиги тўғрисида.

- Кийим-кечаклар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг техник талабларига мос равишда тайёрланиши лозим. Корхона ва ташкилотлар техник талаблар билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида, шунингдек, мажбу кийим-кечакларни тикиш тартиби бўйича маслаҳатларни вазирликнинг Тажриба-синов конструкторлик маркази жойлашган куйидаги манзилда танишишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фаргона йўли кўчаси, 27-уй. Телефон: (0-371) 291-65-81.
Мўлжал — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий буюм базаси.

7234/96

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги бўш (вакант) ўринлар: кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.

- Современный русский язык, Русский язык и методика преподавания кафедраларига: кафедра мудири.
- Лингвистика ва адабиётшунослик, Инглиз тили фонетика ва фонологияси, Француз тили назарияси ва амалиёти, Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраларига: профессор.
- Инглиз тили ва грамматикаси, Инглиз тили фонетика ва фонологияси, Инглиз тили лексикологияси, Лингвистика ва англиз адабиёти, Немис тили назарияси ва амалиёти, Француз тили назарияси ва амалиёти, Испан тили назарияси ва амалиёти, Таржимашунослик назарияси ва амалиёти, Умумий тилшунослик кафедраларига: доцент.
- Инглиз тили грамматикаси ва тарихи, Инглиз тили фонетика ва фонологияси, Профессионал лексика, Инглиз тили стилистикаси, Инглиз тили лексикологияси, Инглиз тили назарий фанлар, Лингвистика ва англиз адабиёти, Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш, Немис тили назарияси ва амалиёти, Француз тили назарияси ва амалиёти, Испан тили назарияси ва амалиёти, Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраларига: катта ўқитувчи.
- Инглиз тили грамматикаси ва тарихи, Инглиз тили фонетика ва фонологияси, Профессионал лексика, Инглиз тили стилистикаси, Инглиз тили лексикологияси, Инглиз тили назарий фанлар, Лингвистика ва англиз адабиёти, Инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш, Таржимашунослик назарияси ва амалиёти, Шарқ тиллари (хитой, япон, корейс) кафедраларига: ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- университет ректори номига ариза;
- ишловчининг шахсий ҳаққаси;
- маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (факультет, университет) илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малага ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Изоҳ: танловда қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г-9А мавзеси, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-уй. Телефон: (0-371) 230-12-98.

7234/10

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Тошкент молия институтини ректорати ва касаба уюшмаси Молиявий менежмент кафедраси профессори Бувсара Тошмулловога отаси
Эгам МАЛИКОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 501 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳриратта келган кўлаёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6